

А Ж Р И М

/ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида/

2024 йил 17 июль куни жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья А.Жабборовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Сайфиллоевнинг котиблигида, томонлардан давлат айбловчиси - Бухоро шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси И.Рахимов, гумон қилинувчи Т.Аларов, жабрланувчи Ш.Рамазоновларнинг иштирокида, гумон қилинувчи Аларов Тимурбек Тўймуродовичга оид жиноят ишини кўриб чиқиб, иш хужжатларида

Аларов Тимурбек Тўймуродович /Alarov Timurbek To'umurodovich/ - 07.08.1995 йилда Когон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, оилали, уч нафар фарзанди бор, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 25/1-уй, 38-хонадонда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-2001-2403/367-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят иши хужжатларига кўра, гумон қилинувчи Т.Аларов, 2024 йил 23 апрель куни тахминан соат 15:30ларда ўз бошқарувида бўлган «Кобалт» русумли 80L6470A давлат белгили автомашинани Бухоро шаҳар Ғиждувон кўчаси ҳудудидан ўтувчи автомобиль йўли бўйлаб, «Сармақанд дарвоза» – «Карвон бозори» чорраҳаси йўналишида бошқариб бориб, шу йўлнинг чап томонида жойлашган Бухоро вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХБ биноси рўпарасидаги чорраҳага етганда, ўз йўналиши бўйича ундан олдинда пиёдалар ўтиш йўлаги орқали йўлнинг ҳаракат қатнов қисмини пиёда равишда кесиб ўтаётган фуқаро Рамазонов Шамшод Бахтиёр ўғлини автомашинасининг олд қисми билан уриб, йўл транспорт ходисаси содир қилган.

Йўл транспорт ходисаси натижасида Ш.Рамазонов Ўзбекистон Республикаси суд тиббий экспертизаси илмий-амалий маркази Бухоро вилояти филиалининг 2024 йил 30 май кунидаги №62-сонли хулосасига кўра оғир тан жарохати олган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилиб, Бухоро вилоят ИИБ ҳузуридаги ТБ терговчиси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, Т.Аларов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси



266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб қилинган.

Гумон қилинувчи Т.Аларов суд мажлисида, содир қилган жиноий ҳаракатига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчи Ш.Рамазоновдан кечирим сўраб, етказилган моддий зарарини қоплаб берганлигини, жабрланувчи Ш.Рамазонов билан ярашганлигини, улар ўрталарида тузилган ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ш.Рамазонов суд мажлисида, гумон қилинувчи Т.Аларовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган моддий зарарини тўлиқ қопланганлигини, уни кечирганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирор-бир тазъийқ ўтказилмагани, гумон қилинувчи билан ўзаро ярашганликларини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчилар билан ярашса ва унга етказилган зарарнинг ўрнини қопласа, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жиноят иши ҳужжатлари, жабрланувчи Ш.Рамазонов, гумон қилинувчи Т.Аларов судга тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризалари билан танишиб, ишда қатнашаётган прокурорнинг гумон қилинувчи Т.Аларовга нисбатан жиноят ишини томонлар ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи ўз айбига иқрорлигини, уларга бирон-бир тазъийқ ўтказилмаганлигини, ярашув ихтиёрийлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашув асосида тугатиладиган ишлар тоифасига киришини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисида ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 27-сонли қарорининг раҳбарий кўрсатмаларига амал қилиб, гумон қилинувчи Т.Аларовга нисбатан юритилган жиноят ишини томонлар ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 582-586-моддаларига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан Аларов Тимурбек Тўймуродовичга нисбатан жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ўзаро ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатилиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан 10 /ўн/ сутка ичида, гумон қилинувчи ва жабрланувчига ажрим нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида, ажрим апелляция тартибида кўриб чиқилиб, қонуний кучга кирганидан сўнг бевосита кассация инстанцияси судига – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи
Нусхаси аслига тўғри
Раислик қилувчи

/имзо/

А.А.Жабборов

А.А.Жабборов

